

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг Компанияси” УК

Навоий вилояти ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

К.Рустамов

«23» 2022 йил



ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ ҒОЙИБОН МФЙ ҲУДУДИДАГИ ЁСТЗДА ИЧИМЛИК СУВ
ТАРМОҒИНИ ҚУРИШ ОБЪЕКТНИНГ ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ,
ТОПОТАСВИР ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ, АРТ (Архитектура режалаштириш
топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС хулосасини олиш
ишларини бажариш

ТЕНДЕР ҲУЖЖАТИ

2022 йил

БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
Компанияси” УК Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси**

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Қизилтепа тумани Ғойибон МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС ҳулосасини олиш ишларини бажариш

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) –15 000 000 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 15 кун.**

Буюртмачи: “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг Компанияси” УК Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси

Жойлашган манзили-Навоий шаҳар Ғалаба шох кўчаси 226-уй,
телефон- +99899-706-43-12

Молиялаштириш манбаси: Республика бюджети

Тендер иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали www.etender.uzex.uz дан юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи тендер ҳужжатларини махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, қабул қилишни охириги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ www.etender.uzex.uz махсус порталига электрон тарзда юкланган таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.

**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Навоий вилояти
ҳудудий бошқарма бошлиғи:**



К.Рустамов

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси тендерда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича Тендер таклифини электрон такдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: **“Қизилтепа тумани Ғойибон МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС ҳулосасини олиш ишларини бажариш**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 15 000 000 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 15 кун.

Буюртмачи: **“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси**

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Республика бюджети

Тендерда таклиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фукаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

Тегишли лицензияларга эга бўлиши:

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, тендер предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий ҳолати:

Тендер предметида ўхшаш объектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни такдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Қуйидаги Тендер иштирокчиларига Тендер жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Тендер таклифини тайёрлаш такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар ва кўрсатмалар тендер иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари хусусан ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини такдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қишга ҳақли.

Таклифларни топшириш Тендер иштирокчисининг Тендер ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

БУЮРТМАЧИ РАХБАРИ:



К.Рустамов

И ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - Тендер ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Тендер ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича Тендер ўтказилишини эълон қилади.

1.2. Тендернинг тури – очик Тендер, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар Тендер ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Лойиха ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари. Қурилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутати.

1.5 Тендер ҳужжатлари элётрон тарзда берилган ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади. Бунда пудратчи ўзининг таклифида экспертиза ижобий хулосасини ўз ҳисобидан олиб беришини ҳисобга олиши лозим.

II. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу тендер ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонуности, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм Тендер иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Тендер иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

3-шакл. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

4-шакл. Тендер предметига ўхшаш объектларда етарли иш тажрибаси.

5-шакл. Тендер иштирокчисининг ишларни бажаришда офис оргтехникасининг рўйхати.

6-шакл. Тендер иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

7-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. техник қисм:

- ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғи

Изоҳ: лойиҳанинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

- *Молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.*

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиҳа ишлари бўйича Тендерда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Тендер иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Тендер иштирокчиси Тендерда иштирок этиш учун Тендер ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўриқноманинг VII-боби талабларига биноан Тендер таклифини тақдим этиши зарур.

3.3. Тендер иштирокчиси ўзининг Тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, Тендер комиссияси Тендер натижаларидан қатъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Тендер иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) Тендер ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи Тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида Тендер иштирокчиси ёзма равишда Тендер ташкилотчисига Тендер ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Тендер иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Тендер иштирокчилари Тендер ва лойиҳа олди ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, Тендер иштирокчилари Тендер предметининг лойиҳа олди ҳужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган ҳужжатлар орқали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиҳа олди ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты)ни Тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

5.2. Тендер иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини бориб кўришлари, АРТ ва техник топшириқларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Тендер иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Тендер иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Тендерга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, Тендер иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Тендер иштирокчиси томонидан тайёрланган Тендер таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Тендер иштирокчиси Тендер таклифини мазкур Тендер ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Тендер ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, Тендер иштирокчиси Тендер таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Тендер иштирокчиси ўз Тендер таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Тендер таклифлари, электрон нусхада ва тендер ҳужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

7.2. Топширилиши лозим бўлган хужжатлар таркиби:

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади.

7.2.3. Тендер иштирокчиси охириги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда ўз фаолияти давридаги молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилиниши мумкин.

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.5. Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда Тендер иштирокчиси Тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Тендер иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган офис оргтехникаси, компьютер дастурларининг рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Тендер иштирокчиси лойиҳа-смета ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий лойиҳа ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.8. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий лойиҳа шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл)

7.2.9. Қурилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома. (7-шакл)

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки рухсатномаларнинг нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа хужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.12. Юқорида сўралган шакллар ва хужжатларга Тендер иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи хужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Тендерда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Тендер ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - Тендер ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайтариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайтарилади.

7.5. Тендерда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.5.2. Тендер ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки Тендер хужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака Тендери орқали Тендер ўтказилганда биринчи йиғма жилд хужжатлари малакавий хужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд хужжатлари эса Тендер таклифи деб ҳисобланади.

ХIII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Тендер таклифнинг амал қилиш даври ҳужжатлар топширилгандан сўнг 15 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

IX. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Тендер иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклифнинг ҳужжатлари, барча шакиллари электрон вариантда ҳар бир бети Тендер иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган ва Тендер иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Тендер иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Тендер таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Тендер ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Тендер иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Тендер комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Тендер ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Тендер таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

X. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, Тендер иштирокчиси Тендер таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XI. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

12.1. Тендер таклифлари қабул қилиш муддати тугагандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чиқилади.

XII. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

13.1. Тендер иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

13.2. Тендер иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Тендер таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

13.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

XIII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТЕНДЕР ҲОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

14.1. Тендер таклифларини техник қисми тендер комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг техник қисм натижаларини инобатга олган ҳолда тизим орқали автоматик тарзда ҳолиб аниқланади.

14.2. Агар Тендер комиссияси томонидан таклиф ҳужжатларининг бирортасини Тендер ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда Тендер иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Тендердан четлатилади.

14.3. Агар ТАЖДа бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

XIV. ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

15. Тендер ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва тендер баёни электрон шакилланади.

XV. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

16.1. Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖДа кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, Тендер ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖГа қаранг).

16.3. Агар Тендер ғолиби мазкур Тендер ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Тендер комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган Тендер иштирокчисини Тендер ғолиби деб топиши ёки такрорий Тендер ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Тендер ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Электрон тизим Тендерни қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида Тендер комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса;
- Тендер иштирокчилари таклиф этган нархлар Тендер предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;
- Тендер комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Тендер ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Тендерни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Тендернинг бирон-бир иштирокчиси (Тендер комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, Тендер иштирокчилар) ни мулкый ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар Тендер бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий Тендер ўтказилади. Бунда Тендер ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XVII. ТЕНДЕР АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Тендер предмети бўйича ва Тендер ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус коидаларини ўз ичига олади.

T/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси
2.	Объект номи:	Қизилтепа тумани Ғойибон МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС ҳулосасини олиш ишларини бажариш
3.	Тендер тури:	Очиқ тендер
4.	Тендер ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	Etender.uzex.uz
5.	Тендерда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори:	Тендерда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори тизимнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Тендер буюртмасининг таъминлаш кафолати миқдори 450 000 сўм (объектни лойиҳа-смета ишларини амалга оширишнинг бошланғич қийматининг 3 фоизи миқдорида)
7.	Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	Etender.uzex.uz махсус ахборот портали
8.	Тендерда иштирок этишга қуйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари Тендерда лойиҳа ташкилотлари консорциумлар, қўшма (ушбу танлов предмети учун махсус бирлашган) корхоналар қўринишида иштирок этишига ва тижорат таклифларини тақдим этишларига рухсат берилади.
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари:	Танлов предмети бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 май «Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш тўғрисида»ги 381-қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорига мувофиқ лицензияга эга бўлиши шарт.
10.	Тендер таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Etender.uzex.uz махсус ахборот порталида белгиланади.
11.	Тендер ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили
12.	Тендер таклифларини баҳолаш муддати:	таклифларни баҳолаш даври тендер таклифлари

		очилган кундан эътиборан узоғи билан 15 иш кун ни ташкил этади
13.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ҚҚС билан 15 000 000 сўм Оферентларнинг буюртмачи бошланғич нархига нисбатан 90 % дан кам берилган таклифлар рад этилади.
14.	Буюртмачи томонидан белгиланган лойиха ишлаб чиқиш муддати	<u>15 кун</u>
15.	Молиялаштириш манбаси:	<i>Республика бюджети</i>
16.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) - Танлов натижаларига кўра жорий йил учун аниқланган ишларнинг қиймати 30 фоизи микдорида; ажратилган бўнак, ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажариладиган ишлар қийматининг 70 фоизи микдоригача; қолган 30 фоизи – ҳисоб фактураларни расмийлаштирилиб Буюртмачига топширилгандан сўнг
17.	Шартнома тили:	<i>Ўзбек тили</i>
18.	Шартнома валютаси:	<i>сўм.</i>
19.	Қўшимча хужжатлар рўйхати:	<i>Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, низоми, гувоҳнома нусхаси</i>
20.	Иштирокчиларнинг техник қисмдан ўтиш бали	<i>60 бал ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар</i>